

Экоқонунчилик — такомиллаш оstonасида

Жорий йилнинг 27 январь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир” мавзуида маърузасида парламентимизнинг ўтган даврдаги фаолиятини танқидий баҳолар экан, Қонунчилик палатаси фаолиятидаги йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳамда бу борадаги долзарб вазифалар хусусида тўхталиб ўтди.

Жумладан, маърузада парламентамиз қонун ижодкорлиги борасида чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнининг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган, узоқ истикболга мўлжалланган ўз дастурига эга бўлиши лозимлиги қайд этилди. Ислохотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ва уларни қабул қилинишини жадаллаштиришда депутатлар корпусининг сусткашлиги, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш, депутатлик назорати ва парламент сўрови етарли эмаслиги ва бу борада депутатларнинг фаоллигини сезиларли даражада жадаллаштириш талаб этилиши алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, янги шаклланган парламент фаолиятида алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган йўналишларга тўхталар экан, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турганига ҳам эътибор қаратди.

Таъкидландики, *«Барчамиз бир оддий ҳақиқатни қатъий ва аниқ англаб олишимиз керак — бундаи буён Ўзбекистон экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилди, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавfli ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади».*

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида келтириб ўтилган танқидий фикрлар ва галдага амалга оширилиши лозим бўлган асосий фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар унда белгалаб берилган вазифаларни амалга ошириш, экологик қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги устувор йўналишларда иш олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб олди.

Биринчидан. атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш

бўйича махсус қонунчилик ҳужжатлари тизимини ривожлантириш ҳамда бошқа соҳалардаги (маъмурий, фуқаролик, жиноий) қонунчиликни экология масалаларини ҳал этиш билан боғлиқ талабларга мутаносиблигини таъминлаш. Бунда асосий талаблар эса экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, унинг жамият эҳтиёжларига мувофиқлигига эришишдир.

Бу соҳадаги асосий вазифалар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини сақлаш, экологик хавфсизликни таъминловчи самарали ҳуқуқий механизм яратиш, фақулудда экологик вазиятлар ва офатлар ҳудудларининг баҳоланиши тамойиллари, уларни аниқлашнинг ҳамда экологик ҳуқуқбузарликлар учун тегишли жавобгарлик муқаррарлигини таъмилаш мақсадида уни қўллаш амалиётининг ҳуқуқий тартибларини белгилаш, экологик таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, экологик муаммоларни ҳал этишга жамоатчиликнинг турли қатламларини жалб қилишда иборат.

Иккинчидан. экологик қонунчилик меъёрлари ва талабларини амалга ошириш механизмларини шакллантириш. Бу билан Ўзбекистон Республикаси экология соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги Концепцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига солиққа тортишининг прогрессив ва регрессив ставкаларини қўллаган ҳолда табиатдан оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш, экологик хайрияларни рағбатлантиришнинг аниқ механизмларини жорий қилишга эришиш.

Учинчидан. экологик қонунчиликни халқаро экологик ҳужжатлар билан уйғунлаштириш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш соҳасидаги ҳал қилувчи халқаро ҳуқуқ ҳужжатларига қўшилиш, уларни ратификация ва имплементация қилиш.

Бу соҳадаги асосий ҳаракатлар глобал ва минтақавий экологик муаммоларни ҳал қилишда иштирок этиш орқали Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини рўёбга чиқариш, халқаро экологик ташкилотлар ишида, миллий манфаатларга жавоб берувчи қатор халқаро экологик ҳуқуқ меъёрларини таъминлашда фаол иштирок этишдан иборатдир.

Тўртинчидан. экологик қонунчилик ижросининг сўзсиз таъминланиши бўйича назорат-таҳлилий фаолиятни доимий амалга оширишдир.

Умуман олганда, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ўз оддига хўжалик фаолиятини режалаштириш ва амалга оширишда табиат қонуниятини ҳисобга олиш, уларга риоя этиш, атроф-муҳитга таъсир жиҳатдан зарарли фаолиятни экологик асослашнинг ва унга

йўл қўймасликнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилишини, уларни билиш ва ҳисобга олиш, мумкин бўлган чегаравий таъсирларни меъёрлаштириш, экологик районлаштириш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини қўллашни асосий мақсад этиб белгилаган. Шунингдек, экологик экспертиза, экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш, экологик тоза, чиқиндисиз технологаяларни татбиқ этиш, қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг шу каби бошқа ҳуқуқий чора-тадбирларини амалга ошириш ҳам уларнинг диққат марказида бўлади.

Таъкидлаш жоизки, энди гап ушбу мақсадларни оғишмай амалга оширишда. Ўйлаймизки, Экоҳаракатдан парламент Қуйи палатасига сайланган депутатлар бунга, албатта, эришади. Зеро, бугун тўла шаклланган экоҳаракат депутатлар гуруҳининг тажрибаси ҳам, салоҳияти ҳам бунга замин яратади.

Фарҳод ҚУВВАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

«Жамият», 2 апрель 2010 йил, 14-сон